

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 4 (16)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Akbarov Ravshan Xalimovich JADIDLAR MA'RIFATCHILIK FAOLIYATINI YOYISHDA "TARJIMON" GAZETASINING O'RNI	4
2	Ахрарова Амалия Искандеровна ЭВОЛЮЦИЯ ФОРМАТОВ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЯПОНИИ: СТАНОВЛЕНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РЕГИОНАЛЬНОГО ДИАЛОГА	14
3	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССР САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКА ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН	27
4	Israilov Nodir Raximjonovich XVI ASR FRANSUZ SHARQSHUNOSLARI ASARLARIDA AMIR TEMUR HAYOTI VA DAVLATCHILIK FAOLIYATINING TADQIQ ETILISHI	39
5	Kandaxarov Anvarjon Xasanovich BUXORO XONLIGIDA JO'YBOR XOJALARINING IQTISODIY QUDRATI: SHAKLLANISH OMILLARI VA IJTIMOY-SIYOSIY TA'SIRI	45
6	Mamajonov Soyibjon Xalilovich AMIR TEMUR VA TO'XTAMISHXON MUNOSABATLARI YOZEF FON XAMMER-PURGSHTAL TALQINIDA	52
7	Mahkamova Zulxumor Murodjon qizi TURKISTON ASSRNING SOLIQ SIYOSATI TARIXIDA KADRLAR TARKIBINING AKS ETISHI	58
8	Mirzayeva Zaxra Xayritdinovna KO'RGAZMA ORTIDAGI IMPERIYA: KAUFMAN DAVRIDA TURKISTONDA MUSTAMLAKACHILIK SIYOSATINING NAMOYON BO'LISHI	64
9	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich TO'SKENT VOHASINING QADIMGI VA RIVOJLANGAN ORTA ASRLAR DAVRI TARIXI VA MADANIYATIGA OID YOZMA MANBALAR XUSUSIDA	71
10	Nuridinov Turdali Qambarovich., Haydaraliyev Xushnud Muso-zoda QO'QON XONLIGIDA AHOLINING OMMAVIY ISHLARGA JALB ETILISHI TARIXSHUNOSLIGI	85
11	Nuridinov Turdali Qambarovich., Haydaraliyev Xushnud Muso-zoda QO'QON XONLIGI-XITOIY O'RTASIDAGI DIPLOMATIK ALOQALAR XORIJIY TADQIQOTCHILAR TALQINIDA	90
12	Raxmankulova Matluba Bayxurazovna XX ASR BOSHLARIDA G'ARBDA TEMURIYLAR KITOBAT SAN'ATINING O'RGANILISHI	96
13	Razzokova Nigora Olimjon kizi INCLUSIVE EDUCATION PRACTICES AND THEIR IMPACT ON LINGUISTICALLY DIVERSE LEARNERS IN MULTICULTURAL CLASSROOMS	107
14	Sadirov Aziz Sirojiddinovich MUSTAQILLIK ARAFASIDA QASHQADARYO VILOYATIDA YO'L TRANSPORT INFRAUZILMASINING SHAKLLANISH VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	113
15	Сиддиков Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРОЛАШУВИ ТАРИХИГА ДОИР (1997-2016)	120

Бахранов Ш. Т.

«Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан
ижтимоий ишлаш» кафедраси ўқитувчиси, PhD

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Sherofkun82@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ССР САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКА ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ССРда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти фаолияти тарихи, унинг совет даврида республика қишлоқ хўжалиги фани ва сабзавотчилигини ривожлантиришдаги ўрни кўриб чиқилади. Институтнинг сабзавот, полиз экинлари ва картошка селекцияси ва уруғчилиги, уларни етиштиришнинг агротехник усуллари ва такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Институтнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий босқичлари, тажриба-тадқиқот ишларини ташкил этиш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий муассасанинг Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозлари билан ўзаро алоқалари таҳлил қилинади.

Институт фаолиятининг республика учун долзарб бўлган озиқ-овқат таъминоти, суғориладиган ерлардан оқилona фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган тармоқларини ривожлантириш вазифаларини ҳал этишдаги аҳамияти тарихий материаллар асосида очиб берилган. Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг илмий базасини шакллантириш ҳамда ушбу соҳада илмий кадрлар тайёрлашга институтнинг қўшган ҳиссаси салмоқли эканлиги ҳақида хулоса қилинади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон ССР, сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик, илмий-тадқиқот институти, қишлоқ хўжалиги фани, селекция, уруғчилик, агротехника, совет даври.

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарблиги Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги фанининг ривожланиш тарихини ва ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасаларининг сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантиришдаги ролини янада чуқурроқ ўрганиш зарурати билан изоҳланади. Совет даврида бу тармоқлар аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда, қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда ва республиканинг суғориладиган ерларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга эди. Бу вазифаларни ҳал этишда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти

алоҳида ўрин тутган бўлиб, унинг фаолияти селекция, уруғчилик, агротехника, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришга қаратилган эди.

Институт тарихини ўрганиш сабзавотчилик ва картошкачилик илмий базасининг шаклланиш жараёнини кузатиш, унинг илмий-тадқиқот фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш ва илмий ходимларнинг Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини аниқлаш имконини беради. Институт фаолиятига мурожаат этиш илмий тадқиқотлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг амалий эҳтиёжлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб бериш, шунингдек, илмий ишланмаларнинг республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун аҳамиятини кўрсатиш имконини беради. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ССРда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти фаолияти тарихини комплекс ўрганиш, унинг илмий-тадқиқот ва амалий ишларининг асосий йўналишларини аниқлаш, шунингдек, совет даврида республикада сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлашдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан декончиликка асосланган бўлиб, анъанавий сабзавотчилик ҳам кўп асрлик тарихга эга. 1887 йилда Тошкент вилоятида жойлашган Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси бўлиб, бу муассасанинг асосий илмий фаолияти иш жойларининг ва маблағ танқислиги боис пахтачилик, узумчилик, боғдорчилик ва дала экинларининг мавжуд муаммолари ечимларига қаратилди. Тажриба станцияси баъзи бир маҳаллий сабзи, пиёз ва бошқа экинларнинг таснифини келтириш ва етиштириш агротехникасини қисман ўрганиш билан шуғулланди. Тажриба станциясида ишлаётган ва экспедицияга келган агрономлардан Р.Р.Шредер, Н.Александров, Н.Буренков, А.Осипов, Ф.Сергеев, П.Скварский, Н.Шавров, Н.Шахназаров, Андропов, Шевченко каби олимлар деҳқон хўжаликларида етиштирувчи қовун ҳамда қовоқбош экинларнинг маҳаллий агротехникасини ва навлар таркибини ўрганиш ишларини олиб бордилар. Улар ўша даврдаги етиштирилган экинларни экиш, парвариш қилиш агротехнологиясини ва навларини таснифини қайд қилиб бердилар [1].

XX асрда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари сингари сабзавотчилик илмий асосланган ёндошувдан борди. Сабзавотчилик ва полизчиликда қўлланиб келинган усулларни асослилигини, маҳаллий деҳқонларнинг қулай тупроқ-иқлим ва сув омилларидан, селекция ва уруғчилик-ни миллий усулларида фойдаланган маҳаллий тажрибани ўрганишни илк бора Ўрта Осиё давлат университети Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси кафедраси мудир проф. К.И.Пангало амалга оширди. У 1922-1924 йилларда Ўзбекистонда мавжуд барча қовун навлари турларини ўрганиб селекция ишларини ташкил этди. Бу ишларни у 1926-1929 йилларда Ўрта Осиё селекция марказида, кейинчалик бу марказ тугатилгандан сўнг,

Бутуниттифоқ Ўсимлик-шунослик интитути Ўрта Осиё станциясида давом эттирди. К.И.Пангало Ўзбекистонда полизчиликни узоқ йиллар синчковлик билан ўрганди, ўрганишлар натижасида қовун селекцияси ва уруғчилигига асос солди.

1933 йил 3 мартда Ўзбек сабзавот - картошка тажриба станцияси ташкил этилди. Бу станция сабзавот экинларни ўрганиш, ягона агротехника усуллари ўрганиб чиқиш, сабзавот ва полиз экинларини сақлаш ва қайта ишлаш, химояланган ерларда сабзавот етиштириш, маҳаллий навларни яхшилаш ва янги навларни яратиш, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан химоя қилиш бўйича илмий - тадқиқот ишларини олиб бориш учун мўжалланган биринчи тажриба станцияси бўлиб қолди. Дастлабки вақтдан станциянинг бўлимлари агротехника ва механизация, очик ер, химояланган ер ва механизация тармоқларига ажратилди. Станция таркибида режалаштириш бўлими ва бухгалтерия бўлими ишлади.

1960 йил 12 мартда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё филиали таркибида Ўзбек сабзавот-картошка тажриба станцияси асосида Ўзбекистон ССР сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Институт Ўрта Осиёда сабзавот, полиз, картошка етиштириш ва маҳсулотлар сифатини ошириш ихтисослигига асосланган ягона илмий-тадқиқот маркази бўлиб қолди. 1961 йил 27 майдан институтда лабораториялар, илмий - техник информациялар гуруҳи, ташвиқот ва илмий янгиликларни амалиётга жорий этиш билан ҳам шуғулланди. 1969 йил 29 мартдан институт таркибида 12 та – селекция, уруғчилик, агротехника, картошкачилик, механизация, химояланган ер, сақлаш, энтомология, фитопатология, агрохимё, физиология, иқтисодиёт ҳамда илмий-техник ахборот гуруҳи ташкил этилди.

Самарқанд пункти 1965 йил 11 мартда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 145-сон ҳамда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 1967-йил 4-февралдаги 51-сон қарори билан очилди. Самарқанд пункти сабзавот-полиз экинларининг маҳаллий навларини тиклаш, янгиларини яратиш, улардан олинган супер элита нав уруғларини етиштириш, юқори сифатли ҳосил олиш технологиясини ишлаш борасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш, ихтиролар асосида ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда хўжаликларга амалий ёрдам бериш асосий вазифа қилиб белгиланди [2].

Ўзбекистон ССРда 1971 йилда “Сортсемовощ” Тошкент областига 1150 тонна картошка уруғини ўз вақтида етказиб бера олмаганлиги ва уруғлик етишмаганлиги сабабли қайта экиш режаси билан картошка 2852 га. ерга ўрнига 2134 га ерга экилган [3]. 1972 йилда 11200 тонна уруғлик етказиб бериш керак бўлган ҳолда, 22 майга қадар 8200 тонна уруғлик юкланган, лекин хўжаликларга 4000 тонна уруғлик етказиб берилган [4]. Тошкент районидаги “Ўзбекистон ССР 50 йиллиги”, Оржаникидзе районидаги “Қизил Ўзбекистон” колхозлари, Коммунистик райондаги Охунбобоев номли, Усмон Юсупов номли, Паркент районидаги “Бўстон”, Бўстонлик районидаги “Новгород”, Оҳангарон районидаги Жуков номли совхозларда тайёрланган уруғлик йиғиб олиш эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Лекин,

1985 йилда “Ўзсортсемовошч” бирлашмаси бошлиғи И.Хўжаевнинг ёзишича, республикада маҳаллий уруғ етиш-маслигининг сабаби ҳар йили колхоз ва совхозларга бошқа республикалардан келтирилган 70-90 минг тонна картошка экиш учун тарқатилган. Шунинг асосий қисми асосан кузда олинган. Уларнинг нави 20-22 хил бўлиб, 35-40 фоизини эртаги, 50-55 фоизини кечки уруғлик ташкил қилган. Шу сабабли эрта баҳорда экилган ўртапишар картошка навларининг етилиши кечикиб, кечкилари ниҳоятда кам ва сифатсиз ҳосил берган. Бунинг асосий сабабларидан яна бири четдан келтирилган уруғ навлари аралашиб ҳам кетиши ҳам бўлди [5]. Шунингдек, уруғчилик билан таъминлашдаги хўжасизлик ва илмий янгиликларни амалиётга кирита олмаслик бўлди. Институтда узоқ йиллар картошка уруғчилиги доирасида тадқиқотлар олиб борилсада, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти профессори Д.Абдукаримов яратган “Зарафшон” нави республика хўжаликларида узоқ йилларда экилди. Биргина картошка етиштиришдаги муаммоларнинг ўзи ўз вақтида ҳал этилмади.

“Селекция ва уруғчилик” бўлими Ўзбек сабзавот-картошка тажриба станцияси очилган вақтдан фаолият юритди. Йиллар ўтиши билан турли лабораторияларни қўшилиши ва ажратилиши билан номи ўзгариб борди. Бўлимнинг асосий йўналишлари бу ҳосилдор, маҳаллий тупроқ шароитига мос, ўсув даври турли бўлган, ҳосилдор, мева сифати юқори, касалликларга чидамли, ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган, маҳсулотларни турли йўналишда фойдаланиш мос сабзавот ва полиз экинларининг янги навларини яратишдан иборат бўлди.

Институтда бодрин бўйича илмий селекция ишларини биринчи бўлиб М.Н.Кулакова иш бошлади ва бодрингни бешта навини яратди. Бодриннинг салат қилишга мўлжалланган, узун шаклдаги “Марғилон-822”, калта навли “Ўзбекский-740” навлари ўрганилди. Эртапишар “Тошкент-86”, жуда тез пишадиган “Ранний-640” (эртапишар), “Гибрид-7” ва “Фарғона Чиллаки” навлари ўрганилди. Шунингдек, “Первенец Ўзбекистана-265”, “Ранний-645”, “Қўйлик-262” навлари яратилди. 1980 йилга келиб, А.М.Аббасов бодринг бўйича селекция ишларини давом эттириб, “Плодовитый-45” (ҳосилдор) ва “Марғилон-822” навларини дурагайлаш натижасида “Ҳосилдор F₁” навини яратди. Гибрид йўл билан тузлашга мўлжалланган Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Ўзбекистон-265”, “Қўйлик-262” навлари ихтиро қилинди. А.Аббасовнинг “Плодовитый-45” (ҳосилдор) ва “Марғилон-822” навларини чатиштириш йўли билан “Ҳосилдор” нави ихтиро қилинди ва давлат текширув назоратига топширилди. Агротехника лабораторияси республиканинг сувли, тупроқ-иқлим шароитларига қараб агротехник тадбирларни таҳлил қилди. Лабораториянинг сабзавот полиз экинлари экилган ерларни тайёрлаш тизими, илмий ходимлар томонидан эрта пишар ҳосил олиш учун янги тавсиялар ишлаб чиқилди. Пленка остига экиш ишлари бўйича берилган тавсиялар асосида республика колхоз ва совхозларига қарашли 1-1,5 минг га. ерларда 20-25 минг т. ҳосил олинди.

Савзининг Ўзбекистонда кенг тарқалган “Мирзои сарик”, “Мирзои қизил” ва “Мшак” навлари қайта ишланди. А.Г.Никулина ихтироси билан “Мирзои

сарик”ни узунлаштирилган сарик ранг берилган цилиндр шаклидаги нави ихтиро қилинди. “Мирзои қизил”га конус шаклида ва оловранг – қизил ранглари билан ихтиро қилинди. “Калта думалок” шаклдаги “Мшак-195” нави касалликларга қарши, узоқ турадиган навлари ўрганиб чиқилди. Шунингдек, селекция йўли билан, ҳосили яхши бўладиган, эрта экиладиган ва ёзда ҳам сақланадиган “Камбарг А-2” навлари ўрганилди ва экишга тавсия этилди. Хуллас, институтда селекция йўли билан 75 та янги савбазвот ва полиз экинларининг навларини ишлаб чиқди, уларнинг 28 таси районлаштирилди, бу 54 фоизни ташкил этди. 1980 йилларда янги навбатларинг 8 таси давлат назоратидан ўтди [6].

1970 йилларда бўлим “Изотоплар, кимёвий мутегенлар, полиплоидия ва гетерозларни танлаш ва улардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида сабзавотлар Андижон, Самарқанд, Бухоро, Сирдарёдаги тажриба пунктларида етиштирилди. Лойиҳанинг “Оқ ва гул карам селекцияси” мавзуси доирасида ишланаётган вақтдаёқ тажриба участкасини ўзида карамга шира зарақунандаси тушган [7]. Шундай бўлсада узоқ йиллик тажрибадан сўнг карамнинг янги навлари ишлаб чиқилди. Узоқ вақт сақланадиган ва қайта ишланадиган (тузлаш) “Дружба - 111”, “Восточная - 130”, “Узбекистанская - 133” навлари районлаштирилди. 1980 йилларда карамнинг янги навлари, узоқ сақланадиган, иссиққа чидамли эртапишар, кечки пишадиган навлари устида ишланди. Натижада кечки пишар “Саодат”, ўртапишар “Южанка-31”, “Ташкенский-10” навлари ихтиро қилинди [8].

Бу лойиҳанинг иккинчи бўлими “Пиёз ва саримсоқпиёзнинг маҳаллий навларини яхшилаш ва янги навларни киритиш” мавзуси доирасида бўлиб, 1972 йилда саримсоқнинг “Южный феолетовый” нави яратилди ва узоқ йиллар давомида республиканинг асосий майдонларида экиб келинди. Пиёз нави устида ишлаш П.Н.Дудко бошчилигида 1937 йилдан бошланган бўлиб, селекция ишлари натижасида пиёзнинг “Каба 132”, “Самарқандча қизил - 172” “Марғилон - узун” навлари яратилди [9]. Пиёзнинг районлаштиришга тавсия этилган “Самарқанд сиёҳранг-176”, “Фаробий-167”, “Андижон оқ”, “Марғилон навлати” селекция йўли билан “Каба-132” навлари ихтиро қилинди. “Самарқанд сиёҳранг” ва “Фаробий” навлари селекцияси орқали элита навлар ҳам яратилди [10].

Лойиҳанинг учинчи бўлими “Янги навларни яхшилаш ва яна янги навларни яратиш” деб номланиб, унда селекционер К.Р.Юсупов ва унинг шогирдлари “Юсупов-40” нави помидорнинг “Волгоградский” навлари устида тадқиқот ишларини давом эттирдилар. Лойиҳанинг тўртинчи бўлими “Илдизли сабзавотларнинг маҳаллий навларини яхшилаш ва янги навларни яратиш” мавзуси доирасида ишланган. Бешинчи бўлим “Қовоқдош сабзавотлар маҳаллий навларини яхшилаш ва янгиларни яратиш”, олтинчи бўлим “Қуруқ ерларга чидамли маҳаллий ва янги қовун навларни яхшилаш ва янгиларини яратиш”, еттинчи бўлим “Элит уруғ навларини яратиш”, саккизинчи бўлим “Сабзавот ва полиз экинларининг янги навларини экилишини назорат қилиш”, тўққизинчи бўлим “Сабзавот ва полиз экинлари

селекцияси ва уруғчилиги (тажриба участкаларида)” каби мавзуларда тадқиқотлар олиб борилди [11].

“Селекция ва уруғчилик бўлими” бўлимида яна бир “Уруғчилик усуллари ишлаб чиқиш ва сабзавот – полиз экинлари уруғчилиги” мавзуси доирасида лойиҳа ишланди. Бу лойиҳа ҳам бир неча қисмларга бўлиб ўрганилди. Биринчи бўлимда “Сабзавот экинлари йиғиб олингандан сўнг уруғларни қайта ишлаш (помидор, бодринг)”, иккинчи бўлим “Сабзавот ва полиз экинларининг элит навларини яратиш”, учинчи бўлим “Мамлакатда сабзавот уруғчилигини ҳудудий тарқатишнинг илмий асослари”, тўртинчи бўлим “Қуртларнинг бодринг сифатига таъсири ва унинг натижадорлик хусусиятлари”, бешинчи бўлимда сабзавот маҳсулоотлари уруғини сақлаш ва экиш сифати” каби мавзуларга бўлинган ҳолда ишланди [12].

Институтнинг Самарқанд пункти ходимлари И.Аширов, С.Қўчқоров, Н.Эшонқу-лов, И.Қўчқоровлар 1981 йилда ковоқнинг “Нонкаду” навини яратдилар, 1982 йилда И.Аширов, С.Ҳакимовлар қовуннинг “Сайли” навини яратдилар [13].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, помидор хонадонлар, умум овқатланиш корхоналарида энг кўп истеъмол қилинадиган сабзавот маҳсулоти бўлиб, асосан июль, август, сентябрь ойларида пишиб етилади. Лекин, бу борада ҳам етиштирилган ҳосилни колхоз ва совхозларда, сабзавотчилик комбинатларида ишчи кучи, яшиқлар етишмаслиги туфайли ҳосилнинг бир қисми исроф бўлиб бораверган. Бунинг асосий сабаби помидорнинг баъзи навлари бир вақтда пишиб етилиши ҳосилни йиғиб олишда муаммоларни келтириб чиқарган. Айни пайтда консерва заводлари ҳам жуда кўп помидорни қабул қилиб олиб, қайта ишлаш имкони бўлмаган. Бунинг учун олимларга йилнинг тўрт фаслида помидор етиштириш мумкин бўлган навларни яратиш ҳам топширилди [14].

1978 йилга келиб институтда сабзавот экинлари ва картошка етиштириш технология, механизация, иқтисодиёт ва сабзавот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўз ичига олган катта “Технология бўлими”, полиз экинлари селекцияси, сабзавот экинлари селекцияси, ҳимояланган ер, уруғчилик лабораториясини ўз ичига олган “Селекция ва уруғчилик бўлими”, агрокимё, физиология, сифат ҳамда сақлаш лабораториялари ва сақлаш гуруҳидан “Сифат бўлими” ва биологик усулда ҳимоя қилиш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораториясидан иборат “Ўсимликларни зарурқунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўлими” ташкил этилди. Шу билан бирга, “Илмий-техник ахборот, тарғибот ва илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш” бўлимлари очилди [15].

Институтнинг “Технология бўлими”да лойиҳавий режа доирасида амалга ошириладиган бир қатор вазифалар, жумладан, сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг юқори ва барқарор ҳосилдорлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг тупроқ, иқлим ва сув шароитига нисбатан техника усуллари ва агротехник тадбирлар тизимини ўрганиш ва илмий ишлаб чиқиш, колхоз ва давлат хўжаликларида сабзавот, полиз экинлари ва картошка ҳосилдорлигини оширишга қаратилган янгиликлар ва ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, сабзавот, полиз экинлари ва картошка навларини

ўрганиш ва синаш, сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг мавжуд навларини кўпайтириш усуллариини такомиллаштириш, сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг элита уруғларини яратиш [16] каби мавзулар устидан ишлади. “Технология бўлими” қошидаги агротехника бўлимида “Республиканинг турли табиий-иқтисодий ҳудудларидаги очик ер майдонларида сабзавот ва полиз экинларини ҳосилдорлигини оширишга кўмаклашадиган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” лойиҳаси ишланди. Бу лойиҳа ҳам бир неча бўлимларга бўлинди. Биринчи бўлимда “Сабзавотчиликка ихтиссослашган ҳудудларда сабзавот-беда алмашлаб экишни агро-иқтисодий схемаларини ўрганиш ва такомиллаштириш”, иккинчи бўлимда “Сабзи етиштиришнинг агротехник асослари”, учинчи бўлимда “Ўзбекистон шароитида кам тарқалган қишлоқ хўжалик экинларини агротехникасини ишлаб чиқиш ва уларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш”, “Йил давомида янги сабзавотлар олишнинг агротехник асосларини ишлаб чиқиш ва уларнинг Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига кўчириб ўтказиш” каби лойиҳалар устида ишланди. Жанубий ҳудудларга кўчириб ўтказиладиган сабзавот навлари билан Термиз тажриба пункти ходимлари шуғулланди [17].

Институтнинг Сақлаш бўлимида эса “Контейнер, шамоллатиш, сунъий совуқдан шунингдек механизациялаш ва автоматлаштиришдан фойдаланган ҳолда озик-овқат, сабзавот ва уруғларни сақлаш усуллариини такомиллаштириш” номли катта лойиҳа доирасида бир неча бўлимлар ишлаган. Биринчи бўлим “Картошканинг ўсиш шароитидан келиб чиқиб, уни сақлаш муддатини ҳамда сақланадиган шароитини турли омиллардан фойдаланган ҳолда ўрганиш” номли мавзуда, иккинчи бўлимда “Сақлаш шароитларининг саримоқнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири” номли мавзуда, учинчи бўлимда “Сабзавотларни сақлашнинг (карам, сабзи ва тарвуз) маҳсулотнинг яроқлик муддатига таъсири” номли мавзуда, тўртинчи бўлимда “Қовунларни дастлабки тайёрлаш (антисептиклар билан тозалаш) ва уларни сақлаш” номли мавзуда лойиҳалар амалга оширилди [18].

Бироқ, мева-сабзавотларни сақлаш имкони бўлмаганлиги сабабли Самарқанд райпотребсоюз бир йилда 700 минг рубллик маҳсулотни исроф қилиб ташлаган, 300 тонна карам яшиқда турган жойида сасиб кетган [19]. 1985 йилда республика колхозлари 690 минг т., совхозлар эса 632 минг т. сабзавот етиштирдилар. Етиштирилган ҳосилни сақлаш учун мева-сабзавот сақланадиган омборхоналар етишмади. Масалан, Ўзбекистон ССРда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун биргина 1985 йилда республика бўйича жами 1млн.200 минг т. маҳсулот сиғадиган омборлар, жумладан, 850 минг т. маҳсулот сақланадиган корхоналар керак эди. Ваҳоланки, бу вақтларда сабзавотларнинг 15 фоизи сиғадиган, четдан келтирилидагина 200-330 минг т. картошка ва ялпи полиз маҳсулотларининг 1 фоиздан камроғи сақланди. Шу сабабли республиканинг савдо тармоқларида баҳорда бодринг, сабзи, бақлажон, ширин қалампир, бош пиёз август-сентябрь ойиларида етишмади [20].

“Ҳимояланган ер” бўлимида “Иссиқхона ҳамда гипрононик курилмаларда сабзавот маҳсулотларидан юқори ҳосил олиш ва навли қишлоқ хўжалиги технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” номли мавзуда тадқиқот ишлари олиб борилди. Фитопология бўлими бўлса “Қишлоқ хўжалиги экинла-рининг барқарорлигини оширишдан, зараркунандалар ва касалликлар тарқа-лишини олдини оладиган агротехник ва бошқа чора-тадбирларни мақсадли қўллашнинг биологик асосларини ишлаб чиқиш” номли катта мавзуда тад-қиқот ишлари олиб борган ва бунинг биринчи бўлими “Сил, чириш ва юқимли касалликларга чидамли полиз навларини кўпайтириш ва селециясини фитопа-тологик баҳолаш” номли мавзуда, иккинчи бўлим “Физиологик фаол моддаларнинг полиз ўсимликларининг чиришга чидамлилигини оширишда фасариум солмасининг таъсирини ўрганиш” номли мавзуда учинчи бўлим “Помидорларда вирусли касалликлар комплексига қарши курашни ўрганиш ва такомиллаштириш” номли мавзуларда тадқиқотлар олиб бордилар.

“Сифат” бўлимининг агрокимё тармоғида эса “Сабзавот, полиз экинлари ва картошка учун минерал ўғитлар ва уларнинг янги шакллари қўллаш дозалари, муддатлари ва усуллари самарадорлигини ишлаб чиқиш” номли катта лойиҳа доирасида ишланган. Унинг биринчи бўлими “Азот ва фосфор ўғитлариининг формалари ва уларни картошкага қўллаш муддатлари” номли мавзуда, иккинчи бўлим “Минерал ўғитларни қўллашнинг формаси, миқдори ва муддати ҳамда уларни сабзавот экинлари сифатига таъсири” номли мавзуда, учинчи бўлим “азот ва фосфор ўғитларини қўллаш муддати ва уларни қовун ва тарвуз сифатига таъсирини ўрганиш” номли мавзуда тадқиқотлар олиб бордилар.

“Иқтисод” бўлимида “Ўзбекистонда сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштиришни ташкил этиш, ихтиссослаштиришни яхшилаш тизимини ишлаб чиқиш” номли катта лойиҳа доирасида биринчи бўлим “Ихтиссослаштиришни яхшилаш тадбирлари, сабзавот, полиз экинлари ва картошкани ишлаб чиқаришни яхшилаш орқали сабзавотчиликни ўстириш” номли мавзуда, иккинчи бўлим “Ўзбекистонда картошкани янги технологияни қўллашни иқтисодий асослаш” номли мавзуда, учинчи бўлим “Сабзавотчиликка ихтиссослашган хўжаликларда янги технологик усулларни қўллашни иқтисодий баҳолаш” номли мавзуда тадқиқотлар олиб борилди.

“Энтомология” лабораториясида “Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунанда ва касалликларга қарши чидамлилигини оширишда агротехник тадбирларнинг биологик асослари” номли мавзуда тадқиқот олиб борилиб, биринчи бўлимда “Янги экин навларидаги куртларни аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш” номли лойиҳа, иккинчи бўлимда “Карамнинг зараркунандалари ва уларга қарши курашиш чора - тадбирлари” деб номланган мавзуда, учинчи бўлим “Сабзавот ва полиз экинлари ва картошка алмашлаб экишда бегона ўтларга қарши курашиш бўйича агротехник ва кимёвий чора-тадбирларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш” номли мавзуда, тўртинчи бўлим “Тошкент ва Фарғона областларида экилган картошка касаллиги ва унга қарши кураш” номли мавзуда, бешинчи бўлим

“Қовоқбош ўсимликлар касалликларига қарши кураш чора – тадбирлари” номли мавзуларда тадқиқотлар олиб борилди[21].

“Физиология” бўлими “Суғориладиган шароитларда атроф – муҳитнинг ноқулай омилларига чидамлилигини ошириш вазифаси билан боғлиқ ҳолда сабзавот, полиз ва картошка экинларининг ўзгаришини физиологик ва биокимёвий асослаш” номли катта лойиҳа устида иш олиб борган, лойиҳанинг биринчи бўлимида “Қовуннинг касал ва соғ физиологияси” номли мавзу устида, “Қовундан юқори ҳосил олишда агротехник тадбирларнинг физиологик таҳлили” номли мавзуда, учинчи бўлим “Қовуннинг сифатли ва чидамлилигини оширишда агротехник тадбирларнинг физиологик асосномаси”, тўртинчи бўлим “Фусариум солмаси билан боғлиқ ҳолда полиз ўсимликларининг сувга бўлган эҳтиёжини физиологик асослари” номли мавзуларда тадиётлар олиб борилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий – тадқиқот институтларининг натижаларини тарғибот-ташвиқот қилишда алоҳида бўлимлар ишлаб турган. Бу бўлимда ҳам биринчи мавзу “Илмий – оммабоп ва нашриёт ахборот ишлари” мавзусида, иккинчи бўлим “Илмий – техник маълумот, патент фонди ва ахборот-маълумот фондиди тўлдиришни ташкил этиш” номли мавзуда, учинчи бўлим “Илмий – техник тарғибот, курс тадбирлари, семинарлар, радио ва телевидения, ихтиро ва рационализаторлик” номли мавзулар доирасида ишлар қилинган [22].

ХУЛОСА

Институт олимлари нафақат халқаро кўргазмаларда, балки Республика бўйича ҳар йили ташкил этиладиган кўргазмаларда ҳам мунтазам иштирок этиб келдилар. Бу кўргазмаларга давлат бошқарув органларининг раҳбарлари, турли ташкилот ходимлари ҳам иштирок этдилар. Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан институт ўз фаолиятини тўхтатиб қолмади, балки яна илмий ютуқларни қўлга киритди. Сурхондарё илмий-тажриба станцияси Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан филиал Бутуниттифоқ сабзавот экинлари станцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё лабораторияси тажриба станцияси таркибига қўшиб юборилди. 1992 йилдан институт Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий – тадқиқот институти деб номланди. Институтнинг сабзавотчиликни ривожланиши сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик борасидаги илмий ютуқлари республика аҳоли шахсий томорқа хўжалигида ва фақат маҳаллий истеъмол учун маҳсулот берадиган тармоқдан - халқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллаган, тез суръатлар билан ўсиб бораётган, шаҳар ва саноат марказлари аҳолисини резавор сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатини ҳам ашё билан таъинловчи ривожланган йирик айланишига хисса қўшмоқда.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолиятига бағишланади. – Тошкент. Baktris press, 2023. - 1 б.
2. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолиятига бағиш-ланади. – Тошкент. Baktris press, 2023. - 102 б.
3. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4962, - 76 varaқ.
4. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4962, - 217 varaқ.
5. Хўжаев И., Оғажонов Б. Сара уруғ-ҳосил бўлиқ // Совет Ўзбекистони. 1985 йил 21 май.
6. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганда и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 7.
7. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 83 varaқ.
8. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганда и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 8.
9. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолиятига бағишланади. – Тошкент. Baktris press, 2023. - 8 б.
10. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганда и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 9.
11. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 85 varaқ.
12. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 87 varaқ.
13. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолиятига бағишланади. – Тошкент. Baktris press, 2023. - 102 б.
14. Каримов Й., Каримов А. Кўчат сара бўлсин // Совет Ўзбекистони. 1972 йил 15 март.
15. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолиятига бағишланади. – Тошкент. Baktris press, 2023. - 6 б.
16. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолиятига бағишланади. – Тошкент. Baktris press, 2023. - 7 б.
17. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 88 varaқ.
18. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 91 varaқ.
19. Ўз МА Р-90, рўйхат -10, йиғма жилд – 4452, - 198 varaқ.
20. Боқиев А. Сабзавотчиликни ривожлантириш муаммолари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -№2, 1986. - 23 бет.
21. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 98 varaқ.
22. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 99 varaқ.

Бахранов Ш. Т.

PhD., преподаватель кафедры «Военно-патриотическое, духовно-просветительское воспитание и социальная работа с молодежью»
Университет Общественной безопасности Республики Узбекистан
Sherofkun82@mail.ru

ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ОВОЩЕБАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ В УЗБЕКСКОЙ ССР

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается история деятельности Научно-исследовательского института овощебахчевых культур и картофеля в Узбекской ССР, его роль в развитии сельскохозяйственной науки и овощеводства республики в советский период. Особое внимание уделяется основным направлениям научно-исследовательской работы института, связанным с селекцией и семеноводством овощных, бахчевых культур и картофеля, совершенствованием агротехнических методов их возделывания, повышением урожайности и качества сельскохозяйственной продукции. Анализируются основные этапы становления и развития института, организация опытно-исследовательской работы, внедрение научных разработок в производство, а также взаимодействие научного учреждения с колхозами и совхозами Узбекской ССР. На основе исторических материалов раскрывается значение деятельности института в решении актуальных для республики задач продовольственного обеспечения, рационального использования орошаемых земель и развития специализированных отраслей сельского хозяйства. Делается вывод о значительном вкладе института в формирование научной базы овощеводства, бахчеводства и картофелеводства Узбекистана и подготовку научных кадров в данной области.

Ключевые слова. Узбекская ССР, овощеводство, бахчеводство, картофелеводство, научно-исследовательский институт, сельскохозяйственная наука, селекция, семеноводство, агротехника, советский период.

Bahranov Sh. T.

PhD., lecturer at the department of «Military-patriotic, spiritual and
educational education and social work with youth
University of public safety of the Republic of Uzbekistan
Sherofkun82@mail.ru

**FROM THE HISTORY OF THE ACTIVITIES OF THE SCIENTIFIC-
RESEARCH INSTITUTE OF VEGETABLE, POLISH, AND CARTOON
CROPS IN THE UZBEK SSR**

ABSTRACT

The article examines the history of the Research Institute of Vegetable, Melon, and Potato Crops in the Uzbek SSR and its role in the development of agricultural science and vegetable growing in the republic during the Soviet period. Particular attention is paid to the main directions of the institute's research work related to the breeding and seed production of vegetable, melon, and potato crops, the improvement of agrotechnical methods for their cultivation, and increasing the yield and quality of agricultural products. The main stages of the institute's establishment and development, the organization of experimental research work, the implementation of scientific developments into production, and the interaction of the scientific institution with the collective and state farms of the Uzbek SSR are analyzed. Based on historical materials, the significance of the institute's activities in addressing urgent tasks for the republic regarding food security, the rational use of irrigated lands, and the development of specialized agricultural sectors is revealed. It is concluded that the institute has made a significant contribution to the formation of the scientific base of vegetable, melon, and potato growing in Uzbekistan and the training of scientific personnel in this field.

Keywords: Uzbek SSR, vegetable growing, melon growing, potato growing, research institute, agricultural science, breeding, seed production, agrotechnics, Soviet period.